

НАМАНГАНДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН САЛМОҚЛИ ИШЛАР ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИ ВА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИДА НАМОЁН БЎЛМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожига ва аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 16 сентябрь куни Наманган вилоятига келди.



Ҳудуддаги бунёдкорлик суръати шаҳар дарвозаси — аэропортданок кўзга ташланади. Бу ерда 140 миллион доллар инвестиция ҳисобига янги терминаллар барпо этилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг вилоятга ўтган йилги ташрифи чоғида ушбу лойиҳа тақдирот қилинган эди. Бугунги кунда қурилиш ишлари жадал.

Ҳозирги аэропорт туристлар оқимида кичиклик қилипти. Уч қаватли қилиб қуриляётган янги терминалда йўловчи ташиш қуввати 2,5 карра ошади. Чегара назорати ва виза бўлимлари, бизнес зали, савдо ва овқатланиш шохобчалари, тиббиёт хонаси, Duty free дўконлари замонавий ташкил этилади.

Шунингдек, аэропортда улкан юк терминали қурилмоқда. У кунига 50 тонна юк ташиш ва 90 та мамлакатга экспорт қилиш имконини беради. Энг муҳими, бу орқали водийда ягона карго тизими яратилади. Ҳудуднинг бизнес, экспорт ва транзит салоҳияти ошади.

Масалан, бу йил Наманган вилоятига 1,5 миллион хорижий ва 2 миллиондан ортиқ маҳаллий сайёҳларни жалб қилиш, хизматлар экспортини 210 минг долларга етказиш режалаштирилган. Андижон ва Фарғона вилоятлари экспортни ҳам ошиб борапти.

Аэропортда махсус сервис техникалари ҳам янгиланади. Бу турли ҳажмдаги самолётларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш имконини беради. Шунингдек, кейтеринг, ёнилғи қўйиш мажмуаси ва бошқа хўжалик бинолари қурилади. Янги терминаллар келгуси йил ишга туширилиши кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари аэропорт атрофидаги инфратузилмани унга мутаносиб ривожлантириш бўйича кўрсатмалар бериб, дунёнинг илгор тажрибасидаги каби аэропорт атрофида меҳмонхоналар, савдо ва кўнгилочар мажмуалар, барча замонавий хизматлар бўлиши зарурлиги таъкидланди. Автотурагўҳ ва сервис объекти ташкил этиб, меҳмонлар учун қўлайликларни кенгайтириш вазифаси қўйилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Чуст туманидаги “Мегатон” корхонасининг газ-бетон блоки ишлаб чиқариш мажмуасида бўлди.

Аҳоли сони ўсиб, урбанизация кенгайиб бораётгани сифатли қурилиш материалларига талабни йилдан-йилга оширапти. Мамлакатимизда қурилиш материаллари тармоғи шунга монанд жадал ривожлантирилмоқда. Замонавий технологиялар олиб келиниб, юқори самардор маҳсулотлар ўзлаштирилмоқда.

“Наманган” эркин иқтисодий зонасида жойлашган, “Туронбанк” томонидан молиялаштирилган газоблок корхонаси шулардан бири. 40 миллион долларлик ушбу лойиҳа доирасида Хитой, Германия, Дания каби давлатлардан инновацион технологиялар келтириб ўрнатилган. Шу боис, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ва самардорлиги юқори.

Масалан, Германия технологияси энергия тежамкорлигини таъминлайди. Бундай газоблокдан қурилган бинони ташқи изоляция қилиш шарт бўлмайди, ичкаридаги иссиқлик ва салқинлик тўрт карра кам йўқотилади. Натижада электр энергияси харажати 45 фоизгача қисқаради.

Ишлаб чиқаришда “Мегатон” корхонасига қарашли “Наманган цемент”нинг 550 маркали цементдан фойдаланилади. Бу орқали қўшилган қиймат занжири яратилган. Корхонада 500 та янги иш ўрни очилган.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги иш жараёни, лаборатория ва маҳсулотларни кўздан кечирди. Мутасаддилар маҳсулот сифати, иссиқ ва совуққа чидамлилиги ҳақида маълумот берди.

— Қурилиш саноатимиз замон талабига мослашиб, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётгани яхши, — деди давлатимиз раҳбари. — Бундай инновацион технологияларни импорт улуши юқори бўлган бошқа тармоқларда ҳам қўллаш керак. Шунда бозорда рақобат, харидорларда танлов бўлиб, жойларда иш ўрни кўпаяди. Бунинг учун изланувчан тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда давом этамиз.

Мазкур корхонада йилига 600 минг куб метр маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бу вилоятда гиштта бўлган эҳтиёжнинг 28 фоизини қоплаши кутилмоқда.

Лойиҳанинг иккинчи босқичида автоклав газоблок девори, махсус клей, кимёвий қоримша ва сувқорларни маҳаллийлаштириш режалаштирилган.

Президент Шавкат Мирзиёев Янги Наманган туманида барпо этилган “Тараққиёт” саноат ва сервис зонасидаги лойиҳалар билан танишди.

Мамлакатимизда тадбиркорларга муносиб шaroит яратиш, иқтисодий тармоқларни диверсификация қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида жойларда технопарк ва кичик саноат зоналари ташкил этилмоқда. Наманган вилоятида бугунги кунда 1,5 минг гектар майдонда 73 та саноат зонаси бор.

Бунинг натижалари Янги Наманган туманидаги Соҳил маҳалласида ҳам яққол намоён. Илгари тадбиркор ва хунарандлар ўз уйларида чекланган шарoитда ишлаган бўлса, эндиликда замонавий инфратузилмага эга яхлит мажмуада фаолият юритмоқда.

“Ғиждувон тажрибаси” асосида 10 гектар майдонда ташкил этилган ушбу зонада 113 та лойиҳа жойлаштирилган. Уларнинг барқарор ишлаши учун бюджет ҳисобидан

электр энергияси, ичимлик ва оқова сув тармоқлари, ички йўллар каби зарур инфратузилма барпо этилган.

Натижада йилига 500 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш қуввати вужудга келди, 4 минг 800 та янги иш ўрни яратилди. Ёндош маҳаллалардан 170 нафар тадбиркор жалб этилгани, 350 дан зиёд хонадонда кооперация асосида маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани аҳолининг иқтисодий фаоллигини янада оширмоқда.

Яна бир муҳим томони, бу ердаги тайёр ускуна ва амалиётдан фойдаланиб, ишсиз фуқароларни касб-хунарга қайта ўқитиш имконияти бор. Бу ишсизлик ва камбағалликни камайтириб, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари автомобилларга техник хизмат кўрсатуви сервис марказлари ишини кўздан кечирди, усталар билан суҳбатлашди.

Давоми 2-бетда

Тараққиёт одимлари

ВОДИЙ ГАВҶАРИ

1

Самолётдан туриб, шаҳри Бобурга қараб от сурдим. Борадиган кўрадиган манзиллар саф-саф эди сафар режамизда. Аммо Бобур шаҳрини кўриш истаги ҳаммасидан баланд чиқди. Ахир атиги икки-уч йилда дунёга келган, эрта-индин 500 минг кишини бағрига оладиган улкан шаҳарни кўриш қайси дилини орситирмайдиган, қизқитирмайдиган дейсиз?!

Уловимиз дарёлари гувилаб, сойлари шарқираган, қир-адирларида чучмомалар гуллаб,

бўтакўзлар солланиб, чўғдай қизғалдоқзор даладлашлари товусранг капалаклар рақсидан сарғашта, ям-яшил боғу чамчалар ўлкаси — Андижон заминиде елдек учиб борапти.

Кетялман-у, ҳаёлимда уч-тўрт йил бурунги воқеалар жонлангандек бўлади. Ушанда ўтказилган йирик анжуманда давлатимиз раҳбари бундай деган эди: “Андижондаги уй-жой муаммосини ҳал қилиш учун икки-уч йилдан буюн ўзимни қийнаман. Чунки ер кам, уйлارга талаб йиллар давомида тўпланиб қолган эди. Бир хонадонда бир неча келин қайнонаси билан яшаётган

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

Янги Ўзбекистонда
Энг муҳим соҳа — таълим

Энг ҳурматли инсонлар —
Ўқитувчи ва мураббийлардир

Устозлар байрами олдиндан ташкил этилган юксак даражадаги йиғилишда таълим сифатини ошириш, ўқитувчи ва мураббийларни янада қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди. Соҳа вакиллари ўқитиш сифатини

Давоми 3-бетда

Давоми 5-бетда

ЭНГ ҲУРМАТЛИ ИНСОНЛАР — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРДИР

Бошланиши 1-бетда

Ўқитувчи эканимдан чексиз фахрдаман

Нодира НАБИЕВА,
Тўрақўрғон туманидаги
37-мактаб ўқитувчиси:

— Қаранг, бутунга келиб ўқитувчилар ҳам чемпион спортчилардек Президент совғаси сифатида автомобиль оладиган бўлди. Менга топширилган машина биргина мен ва оиламнинг эмас, наманганлик барча устозларга бўлган эҳтиром белгисидир.

Президентимиз билан учрашувдаги ҳаяжон ҳалигача тарқ этгани йўқ. Бу — катта шараф. Қолаверса, ўз касбидан рози, ҳаётдан бахтиёр устозлардан бириман. Ҳозир 2000 доллар маош олиб ишляпман. Бунинг учун ўзим каби кўплаб ўқитувчилар номидан давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдим.

2024/2025 ўқув йилида дунёдаги энг нуфузли Оксфорд университетининг докторантура босқичида ўқиш учун 100 фоизлик грантни, тахминан 300 минг доллар миқдоридagi стипендияни ютиб олдим. Нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳонда ҳам деярли қўл урилмаган илмий ишм мавзуси мени шу ютуққа сазовор этди. Эшитиш қобилиятини йўқотган ўқувчиларга инглиз тилини ўқитиш масаласи чет элда ҳам муҳим экан. Мавзуга доир илмий ўқув қўлланма Германиянинг нуфузли нашриётида чоп этилиб, 8 тилга таржима қилинди ва халқаро китоб дўконларида кенг савдога қўйилди. Америкalik профессор-ўқитувчилар ҳам ушбу қўлланмага катта қизиқиш билдирганини фахр билан айтмоқчиман. Улар 50 минг доллар гонорар тўлаб,



қўлланмадан қўшимча ўқув дастурлари қаторида фойдаланяпти.

Бундан ташқари, 20 га яқин илмий мақолам Буюк Британия, Германия, Франция, Ҳиндистон, Италия, Россия каби давлатларнинг нуфузли журналларида чоп этилди. Президентимиз билан учрашувда олдимга яна кўплаб мақсадлар қўйдим. Ўзим ишлаб чиққан методикаларни юртимизда кенг оммалаштириб, эшитиш қобилиятини йўқотган болаларнинг ҳам инглиз тилини ўрганишига қўмаклашмоқчиман.

Давлатимиз раҳбари масъулларга мен билан бирга ишлаш топширигини берди. “Бу методикани ҳамма мактабда жорий қилишимиз керак, дунё та олапти. Насиб қилса, яқин келажақда Нодирахоннинг методологияси деган фикр пайдо бўлади” деган ишончи касбимга меҳримни янада оширди. Бунинг барчаси учун бениҳоя миннатдорман.



“Бугунга келиб ўқитувчилар ҳам чемпион спортчилардек Президент совғаси сифатида автомобиль оладиган бўлди. Менга топширилган машина биргина мен ва оиламнинг эмас, наманганлик барча устозларга бўлган эҳтиром белгисидир.

Яхшиликларнинг энг аввали — устозларга!

Шорустам ШОМУСАРОВ,
Тошкент давлат шарқшунослик университети арабшунослик олий мактаби профессори, “Дўстлик” ордени соҳиби:

— Давлатимиз раҳбарининг Ўқитувчи ва мураббийлар кун



биз билан ҳамсухбат бўлгани, мукофотларни алоҳида эҳтиром билан топширгани тарихий воқеа бўлди. Қирқ беш йилдан буён Тошкент давлат шарқшунослик университетига ёшларга таълим бериш баробарида дарсликлар, қўлланмалар, ўқув лугатлари ишлаб чиққан педагог сифатида Президентимизнинг устозлар раҳнамоси эканини алоҳида эътироф этгим келади. Бунга биргина мисол. Ўта гўзал ва замонавий меъморий услубда қуриб битказилган Ислом цивилизацияси марказига биринчи бўлиб биз — устоз ва мураббийлар кириб бордик. Бунинг учун чуқур миннатдорлик билдирамиз. Зеро, марказ дунёнинг чинакам саккизинчи муъжизасига айлангани деган яқдл хулосага келдик. Очиги, у ердаги шароит, ноёб экспонатлар, бой маънавий меросдан кўз уза олмадик. Шунда “Бу марказга зиялилар, талабалар ва ўқувчи ёшлар — барчаси келиши, биз кўрганларни улар ҳам кўриши керак” деган фикр ҳаёлимиздан ўтди.

Бутун дунёга ўрнак қилишга арзирли муносабат

Иброҳим Саид Абдулла
Али АЛҲАЖРИ,
БАА Халифа университети президенти, “Дўстлик” ордени соҳиби:



— Ўзбекистоннинг юксак давлат мукофотини қабул қилиб олиш — мен учун катта шараф. Буни нафақат шахсий фаолиятим эътирофи, балки мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик рамзи деб биламан. Заминингиздан етишиб чиққан буюк алломаларнинг илмий мероси бугунги кўлаб кашфиётларга асос бўлиб хизмат қияпти. Янги Тошкент ва Олимпия шаҳарчаси, Ислом цивилизацияси марказини бориб кўрдим. Янги шаҳар ва спорт мажмуаси бутунлай замонавий қиёфа касб этган. Ислом цивилизацияси маркази эса архитектура жиҳатидан ҳам, илмий томондан ҳам гоят мукамил. Эришилган муваффақиятлар жуда ҳайратланарли. Халифа университетига бундай ажойиб ва муҳташам мерос алоҳида қадрланади. Асосий биноларимиздан бирига Мухаммад Хоразмий номини берган бўлсак, яна бирини Абу Али ибн Сино дея атаганмиз. Токи устоз ва талабаларимиз шундай буюк олимларни ҳар кун

куни ёд олиб турсин.

Халифа университети 8 йилдан буён БААдаги энг нуфузли университет бўлиб келяпти. Бу муваффақиятга, албатта, жуда

кучли илм-фан, инновация, таълим ва халқаро ҳамкорлик асосида эришганмиз. Университетимизда 50 дан ортиқ давлатнинг ёшлари ўқийди. Ўзбекистонлик талабалар улар орасида энг илгор ва энг рақобатбардош. Мамлакатингизда жуда кўлаб ишлотлар амалга ошириляпти. Айниқса, таълим соҳасидаги ишларни эътироф этиш жоиз. Ўтган йили келганимда бу ерда жуда кўп иқтидорли талабаларни кўрганман. Бир йил давомида юртингиздаги “Янги Ўзбекистон” ва Ал-Хоразмий университетлари билан ҳамкорликда илмий тадқиқотлар ўтказдик. Президент мактабининг 8 ўқувчисини Халифа университетига қабул қилдик. Айни пайтда эса Ўзбекистонда илк

Президент автомобиль билан тақдирлади



Биллуро ИКРОМОВА,
Ромитан туманидаги 38-мактаб ўқитувчиси:

— Юртимиздаги таълим тизими имкониятларидан фойдаланиб, “Эл-юрт умиди” жамғармаси кўмаги билан Буюк Британиянинг Рединг университетига тахсил олиб қайтдим. Бошқа давлатлардан келганлар, айниқса, қизлар Ўзбекистондан борган талабаларга жуда ҳавас қиларди. Чунки улар ҳам ишлаб, ҳам ўқиб, харажати

Ўқувчиларимиз халқаро меҳнат бозорига тайёр

Элдор КАРИМОВ,
Ўздор туманидаги 1-политехникум директори, “Шуҳрат” медали соҳиби:



— 2024 йилда Германиянинг ҳунармандчилик палатаси ва Авестос компанияси билан ҳамкорликда Ўздорда тўлиқ олом стандартига асосланган касбий таълимни йўлга қўйиш режа қилгандик. Кичик меҳнатимиз юксак эътироф этилиб, кўксимга медаль тақдирланди хурсандиман. Давлатимиз раҳбари “Мукофот ёқдимми?” дея оталарча самимий сўраганида, Президентимизнинг қўлидан олиш, айниқса, бошқача бўлганини айтдим.

Биз ўқув муассасамизда ҳам олом стандартини жорий қила олдик. Айни пайтда 64 ўқувчи шу стандарт бўйича тахсил оляпти. Германиялик таълим экспертлари ўтказган оралик имтиҳонда 34 ўқувчимиз муддатидан олдин халқаро меҳнат бозорига тайёрлиги аниқланди. Саккиз ходимимиз Германияда икки ой малака ошириб келиб, ёш авлодга билим ва кўникмасини ўргатяпти. Бир ярим мингдан зиёд ўқувчимизнинг 250 нафари дуал таълим асосида ўқияпти. Улар тумандаги 54 та корхонага жойлаштирилган.

Президентимиз 2021 йили Қашқадарёга ташрифи чоғида “Шўртангаз кимё мажмуаси”ни политехникумимизга ҳомий ташкилот сифатида

бириктирган эди. Энди ҳар йили 27 ўқувчимиз мажмуага амалиёт учун жалб этилади. Улар амали ва назарий кўникмаларини мустаҳкамлаш баробарида оийга 6-7 миллион сўмдан маош ҳам оляпти.

Шунингдек, Ўздорда аҳолининг имконияти ва талабларидан келиб чиққан ҳолда замонавий касблар орқали хизмат кўрсатиш ҳам йўлга қўйилган. Мана шу имконият туфайли 2025 йилнинг 9 ойида ўқувчиларимиз 2 миллиард сўмдан зиёд маблағ ишлаб топди. Бу пул уларга иш ҳақи, ходимларга устама қилиб бериш ҳамда таълим муассасасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга сарфляняпти.

Бугун бизга ҳамма ҳавас қияпти



Улуғбек МАМАЖОНОВ,
Сўх туманидаги 14-мактаб ўқитувчиси:

— Бир неча йилдан буён Сўх туманида оилавий яшаб, ишлаб келяпмиз. Ўқитувчилик касбим ортидан бу ерда катта обур қозондим. Бугун 25 миллион сўм маош оляпман. Шукрки, бир ўқитувчи учун

керакли барча шароитга эгамиз. Уй олдик, замонавий автомашинали бўлдик.

Учрашувда давлатимиз раҳбарига Сўхга алоҳида эътибори учун туман аҳли жуда хурсандлигини айтдим. Бинобарин, энг олис анклав ҳудудда ҳам бу йил 3 та мактаб капитал таъмирдан чиқарилиб, 3 та янги богча қурилди. Мен фаолият юритаётган мактабга эса давлатимиз томонидан 11 ярим миллиард сўм маблағ ажратилди. Натижада 420 ўринли қўшимча бино бунёд этилди. Мавжуд 620 ўринли бино эса тўлиқ янгиланди.

Мулоқотда деярли сўхлик бўлиб кетган фуқаро сифатида ўқувчиларимнинг онаоналари билдирадиган бир муҳим таклифни айтдим. Барча туман ва шаҳарлар қатори Сўхда ҳам ихтисослаштирилган мактаб очилса, ҳудуддаги ёш, иқтидорли ўқувчилар учун ажойиб имконият бўлишини айтганимда, давлатимиз раҳбари шу ерининг ўзида масъулларга топшириқ берди. Энди Сўхда ҳам ихтисослаштирилган мактаб очилади.

Тарбиячилик касбининг нуфузи баланд

Ҳуснора АБДУЛЛАЕВА,
Олтинкўл туманидаги 2-мактабгача таълим ташкилоти директори:



— Давлатимиз раҳбари мулоқотидан жуда катта ҳаяжон билан чиқдим. Бундан кейин янада янги ва юксак марраларни қўлаб, ишлашга шай, ишончга “лаббай” деб жавоб берадиган қувват олдик учрашувдан. Кейинги пайтларда мамлакатимизда таълимга эътибор олий даражага кўтарилди. Зеро, ҳар бир болага ўқув қўроллари етказиб берилиши, устоз-мураббийлар ҳар томонлама кўлаб-қувватланиши, ҳар бир тарбиячи учун алоҳида ўқув машгулотлари, ўқув-услубий қўлланмалар ишлаб чиқилиши каби эътибор ҳеч қайси даврда бўлмаган.

Бугун богча ва мактаблар ягона тизимга бирлаштирилгани натижада таълимда узвийлик таъминланди. Биз — мактабгача таълим ташкилотлари ходимлари мактаб директори ва педагогларининг оийлик маоши ва тоифасига ҳавас қилардик. Бугун богча мудирлари ва тарбиячиларининг ҳам оийлик маоши 70 фоиз ошди. Менежерлик сертификатига эга бўлса, 30 фоиз устама ҳам оляпти.

Мен фаолият юритаётган богчада 300 тарбияланувчи 10 йўналишдаги тўғрақарларга жалб қилинган. Тарбиячиларга ўқиш имконияти яратилганидан фойдаланиб, ўрта маълумотли ходимларимиз 1+5 бакалаврият таълими бўйича оий маълумот олмақчи. Зеро, йигилишда 7000 дан ортиқ давлат богчасида 120 мингга яқин педагог бўлгани билан уларнинг атиги 34

фоизи оий маълумотли экани айтилди. Тарбиячиларнинг мактаб ўқитувчилари каби тоифа олиши учун ОТМ дипломи талаб этилаётгани бонис, 1+5 тизими керак эди. Давлатга етигилиш ва хусусий богча тарбиячиларини ишдан ажралмаган ҳолда оийлоҳларда ўқитиш йўлга қўйилса, йилига қариб 10 минг тарбиячи оий маълумотли бўлади. Ҳар бир вилоятда “Янги авлод” богчалари ташкил қилиниши, уларда тарбиячиларни илгор педагогик технологияларни ўрганиши ҳам мактабгача таълимга яна бир янги қадам, янги нафас олиб қиради. Хусусий богча тарбиячилари ҳам бу имкониятлардан бемалол фойдаланиши эса тизимда тенглик қарор топаётганининг амалдаги кўринишидир. Шундай экан, энди тарбиячилик касбининг нуфузи ҳар қачонгидан баланд бўлади.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Муножат МЎМИНОВА
тайёрлади.

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.



КЎҚОН ВА РИШТОН

МЕҲМОНЛАРНИ КУТМОҚДА

Жорий йил 19-21 сентябрь кунлари Кўқонда III Халқаро хунармандчилик фестивали, Риштонда эса II Халқаро кулолчилик форуми бўлиб ўтади. Тадбирларда кўплаб давлатлардан хунармандлар, кулоллар, олимлар, ОАВ вакиллари, жумладан, Жаҳон хунармандлар кенгаши президенти бошчилигидаги делегация қатнашиши кутилмоқда.

Меҳмонлар дастлаб Риштон туманидаги "Чинор + 2020" меҳмонхонаси деворлари ва атрофидаги даракларга Шарқ анъаналари асосида чизилган ҳамда ўйиб ишланган суратлар ва безаклар билан танишади. Кейин Кўқон шаҳрига йўл олади. Кўқон давлат драма театрида "Ўзбекистон хунармандчилиги" китоби тақдими ўтказилади.

Форум муносабати билан Риштонда ташкил этилган кўргазмадан Ўзбекистон халқ рассоми ва халқ устаси Иброҳимжон Комилов, Ўзбекистон халқ рассоми Бобо-жон Нишонов, Ўзбекистон санъат арбо-



би, бадий академия аъзоси Шарофиддин Юсупов издошлари, шоғирдлари ясаган бадий кулоллик маҳсулотлари жой олган. Кулоллар тайёрлаган турли ранг ва шаклдаги идишлар, миниатюра асарлари меҳмонларда катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

Мазкур фестиваль ва форум доирасида Риштон анъанавий кулолчилик музейининг тантанали очилиши ва Риштон шаҳрига Жаҳон хунармандлар шаҳри мақоми бериш маросими бўлиб ўтади. Шунингдек, "Анъанавий кулолчиликни сақлаш ва ривожлантириш: муаммо ва ечимлар" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция, "Ўзбекистон бадий кулолчилиги" китоби тақдироти ўтказиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон кулолчилиги тарихига бағишланган архив ҳужжатлари фотокўргазмасини ташкил этишга ҳам тайёргарлик кўрилмоқда.

қуриб битказилди. "Мингбоши керамик", "Р + корон", "Чинор + 2020" номли марказлар, Шарофиддин Юсупов, Алишер Назиров, Рустам Усмонов, Шокиржон Аҳмаджонов, Равшанжон Токиддинов, Тоҳир Ҳайдаров, Муҳайё Сатторова ва бошқаларнинг музей-устахоналари дунё кулолчилик ихлосмандларини ўзига қаратмоқда.

Яқинда шаҳардаги Мамадали Топиболдиев маҳалласига туризм маҳалласи мақоми берилди. Шу муносабат билан Жаҳон хунармандлар кенгаши президенти Саъад ал-Қаддумий бошчилигидаги ҳайъат аъзолари шаҳарга келиб, Риштон кулолчилик намуналари билан танишди.

Риштонда бу ҳунарга ошно тўтинганлар сони кун сайин ошиб бораётти. Ҳисоб-китобларга кўра, ёш хунарманд кулоллар сафи ҳозир 40 минг кишига кенгайган. Форум эса улар сонининг яна ҳам кўпайишига ёрдам беради.



ДЕВОР ОШИБ КИРИБ БОРДИМ...

ШИФОКОР БЕМОРЛАР ҲАЁТИ УЧУН КУРАШИШДА ЎЗИДА ҲАМИША КУЧ ТОПИШИ КЕРАК

Қирқ уч йил тиббиёт соҳасида хизмат қилган фидойи аёл — Муборак туманидаги Шейх оилавий шифокорлик пункти шифокори Ҳалима Ёқубова бу йил 70 ёшни қаршилади. Аммо сира кексаликка бўйин бермаган бу куйинчак шифокор ҳали-ҳамон ўзини "дўхтир опа" деб эъзозлайдиган маҳалладошларига хизмат қилишда давом этмоқда.

Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги байрами арафасида Ҳалима Ёқубова II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан тақдирланди. Бу хабарни эшитган кўплаб муборакликлар фахр билан "Мукофот эгасини топибди", дейишди.

Эл-юртнинг бу юксак эътирофига сазовор бўлиш осон эмас. Бунинг ортида тунни тонгга улаб қилинган машаққатли меҳнат, фидокорлик ётибди.

Ҳалима опа билан суҳбатимиз ҳам самимий кечди. Опа бу гапларни кўзлари ёниб, ўзгача завқ-шавққа тўлиб, жайдаригина очиклик, меҳр ва ишонч билан айтди. Юрагида бори тилига кўчди, назаримизда...

— Соғлиқни сақлашда "бирламчи бўгин" деб аталадиган бир тизим борки, аксар ҳолларда тизимнинг энг оғир юки унинг бўйинига тушади. Тиббиётни халқимизга яқинлаштириш борасидаги энг залварли ва ўта масъулиятли вазифалар ҳам худди мана шу бўгиннинг зиммасида.

Шундай вазиятда оилавий шифокор ёки тиббий бригада бошлигининг масъулиятини тасаввур қилаверинг... У энди аввалгидай умумий амалиёт шифокори эмас. Ҳар бир хонадонга кириб бориб, оила аъзоларининг энг яқин одамига, ҳеч кимга айта олмайдиган дардини эшитадиган сирдошга, ҳамдардига, қўмакчисига айланадиган мутахассис бўла олиши шарт!

Бир гал жуда қизиқ бўлган. Маҳалламиздаги қон босими баланд бўлган ҳомиладор келинчакни вилоят шифохонасига жўнатсак, икки кун ўтмай, уйига қайтиб келибди. Укол олиш ёқмасмиш. Даволанмаса, туғуруқ унинг учун ўта хавфли эканини қайта-қайта тушутирдим. Қани парво қилса...

Охири кўнгирак қилсам, эри иккиси жавоб бермайдиган бўлди. Мен ҳам бўш келмадим. Турмуш ўртоғим (у ҳам шифокор) билан кечкурун уйига бордим. Дарвозасини очмади. Девордан ошиб тушиб, айтадиганимни айтдим... Тўғри-да, мен унинг ўзи ва фарзандининг соғлиғи учун жавобгарман ахир.

Ишимга шундай ёндашганим учун ҳам, минг шукрки, кейинги йилларда худудимизда оналар ва болалар ўлими қайд этилмади. Юқумли касалликлар қамайди...

Эл дуоси

Муборакда бизни одамлар шифокорлар оиласи, деб билади. Турмуш ўртоғим Исमत Юлчиев билан бирга ўқиганмиз. Ҳозир туман шифохонасида врач-реаниматолог. Тўрт ўғил, икки қизни тарбиялаб, вояга етказдик.

Албатта, эр ҳам, хотин ҳам шифокор бўлган оилада бола тарбиялашнинг ўзи бўлмайди. Оғир бемор келган пайтларда бир туннинг ўзида ҳўжайинини уч мартаб қайта ишга чақиритиш кезлар бўлган. Ўзим туман марказидан 60 километр узоқдаги чўл қишлоқларида бир кунда юзлаб одамни тиббий кўриқдан ўтказиб, қош қорайганида аранг уйга қайтган пайларим кўп бўлган.

Нолимадик, аксинча, оиладаги бурчимизни ҳам виждонан бажаришга интилдик. Минг шукр! Болаларимиз илмий бўлиб улғайди. Бир қизим, бир ўғлим, икки келиним — шифокор. Эр-хотин жуда фахрланиб юрамиз.

Бирок... Ҳаётда шундай дамлар ҳам бўлар эканки...

Уттан қишнинг совуғи йўқ дейдилар-у... аммо эсласамас ҳам бўлмайди. Коронавирус бизнинг оиламизни жуда қаттиқ синовдан



Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-946. 34830 нусхада босилди. **Ҳажми** — 3 табоқ. **Офсет** услуди босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.



ҳафтада бошқа органи шаклланыпти, таҳлиллар мана бундай чиқди, мева-чева обеминг, томоғига қарашинг, авайланг, оғир иш қилдирмай туринг, йод, темир препаратларини вақтида қабул қилсин, вақтида кўриқдан ўтиб, даволаниб турсин... Ана шу тавсияларни қилмагани учун церебрал паралич билан тугилган гўдақларни ҳам кўрдик. Сизнинг авлодингиз соғлом туғилиши керак, бунинг учун эътибор шарт дейман.

Маҳалладошларим орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдан чарчамайман. Кўча-кўйда бўлсам бировини тўхтатиб олиб, "Семириб кетибсан, машинангни қўй, пиеда юр", деб танбех бераман. Бошқасига "Кўчангни, хонадонингни тоза сақла, қўчат қада, гул эк, ўзинг баҳра олсан, маҳалланг фазйзли бўлади", дейман.

Ўзим терапевтман. Оилавий шифокорлик пунктимизда болажонларимизни тиббий

челагига ташлаганини кўрганман. Барака топкур, буни давлат сен фарзандингни эсон-омон дунёга келтиришинг учун беряпти. Шу аёл камқон бўлмасин, соғлом фарзанд туғсин деб қанча маблаг сарфляяпти. Бу увол эмасми? Нонқўрлик, ношуккурлик эмасми?

Ёки кам таъминланган, диспансер назоратидagi беморларга, ногиронлиги бор шахсларга қафолатланган пакет асосида берилаятган доллар аҳолига қанчалик қулайлик яратаятганини айтинг... Миллий эмлаш календарига киритилган вакциналар-чи? Давлатимиз миллионлаб валюта эвазига олиб келаяпти-ку буларини?

Баъзан болаларини эмлашга вақтида олиб келмайдиган, ҳатто бундан бўйин товлайдиган ота-оналарни кўрсам, тутаб кетаман-да, тўғрисин... Яқинда эшитдим, бизларга ўсимир қизлар бепул эмланидиган бачадон бўйин саратонига қарши вакцинани шундоққона қўшни давлатда одамлар фалон долларга сотиб олишар экан. Бундай ғамхўр давлат қайда бор-а, қайда бор?!

Одамларни яхши кўришни ўрганинг!

Малака ошириш деса, юзини буриштирадиган шифокорларга ҳайрон қоламан. Етмишга кирдим, ҳаляим ўқишдан, изланишдан тўхтамайман. Ўқувларга, семинарларга иштиёқ билан бораман. Домларини ҳоли-жонига қўймай ўрганаман. Яқинда эндокринология бўйича ўқувларда қатнашдим. Менга инсулин тактикасини ўргатинг деб туриб олдим. "Опажон, — дейди домла. — Сиз оилавий шифокорсиз, тор соҳа мутахассиси эмассиз, нима зарил сизга".


Инстаграмга кириб олиб, янги даволаш усуллари, чет элдаги юқори технологияли операциялар видеоларини томоша қиламан. Ёш мутахассисларнинг аксарияти неғадир бирламчи бўгинда ишлашдан қочади. Шукрки, кейинги йилларда давлатимиз бу йўналиш аҳамиятини тўғри баҳолаб, оилавий шифокорлар меҳнатини рағбатлантириб борапти. Ёш шифокорлар учун имтиёзлар яратиб беряпти. Бунинг қадрига етиш керак.

Шифокор фарзандларим, келинларим, шоғирдларимга шу ўғитларни такрорлашдан сира чарчамайман: аввал одамларни яхши кўришни ўрганинг! Беморга меҳр беринг! Рухиятини давола! Ўз онангиз, отангиз, жигарингиздай кўринг! Инжиқлигидан огринманг! Ҳар қандай дардию ярасидан асло жирканманг! Сизга умид, илтижо билан қараб турган хастага керак бўлса жонингиздан жон узиб беринг! Нафасингиз билан нафас, бутун вужудингиз билан мадад беринг! Уни эшитинг ва ишонтиринг! Ана шунда ҳақиқий мўъжизани кўрасиз...

Болалигимда Ларзонгул деган кўғирчоғим бўларди. Ерга букиб ётқизиб қўйсангиз, яна дик этиб отилиб тик туриб оларди (ичида пружинаси бор эди). Ўзимча айтаман: оилавий шифокорнинг ичида мана шундай "пружина"си бўлиши керак. Ҳаётини мана шу машаққатли, аммо шарафли ишга бағишлаган одам ҳамиша тик оёқда туриб, беморлари ҳаёти, келажаги учун курашишда ўзида ҳамиша куч топа олиши шарт!

Чикинди челагидаги "жавоҳир"

Туриб-туриб куюниб кетасан. Ҳомиладор аёл давлат томонидан бепул дори-дармонларни дўхтир қабулидан чиқар-чиқмас чиқинди



Навбатчи муҳаррир: Сардор Толлибоев
Мусахҳис: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шайхисабз кўчаси, 85-уй
ЎзА якуни — 02:50 Тошхирлиди — 02:50